

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

9.2021

**научно-теоретический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

FALSAFA

Исақова Замирахон Руҳитдиновна (фалсафа фанлари номзоди,
Намангандавлат университети доценти; e-mail: ms.outstanding@mail.ru)
ИРФОНИЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ: ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН

Аннотация. Мақолада тасаввуф таълимотининг марқибий қисми бўлган ирфоний билимларнинг ўзига хос билиши усуллари очиб берилган. Борлиқнинг кичик нусхаси бўлган инсон абадийлик ва ўткинчилик, мавжудлик ва йўқлик, руҳонийлик ва моддийлик бирлигининг ифодаси бўлиб, Куръонда инсон тафаккури, ақлига берилган улуғ баҳо эпистемология, билиши масалаларининг Шарқ фалсафий тафаккурида етакчи ўринни эгаллаши билан изоҳланган. Илоҳий моҳиятни тўлалигича англашга восита бўладиган “ваҳий”, “илҳом”, “ҳол”, “важд”, “завқ”, “кўнгил”, “диққат”, “зикр”, “хуррият”, “балогат”, “тамкин” каби ирфоний билишининг ботиний-руҳий усуллари фалсафий талқин этилиб, ирфоний билиши жараёнини ўрганиши ва илмий-фалсафий тадқиқ этиши инсоният олдида турган глобал муаммоларга самарали ечим бўлиши илгари сурилган.

Аннотация. В статье раскрываются специфические методы познания эпистемологических знаний, которые являются неотъемлемой частью суфийских учений. Человек, уменьшенная копия бытия, является выражением единства вечности и быстротечности, существования и небытия, духовности и материальности и истолковывается в Коране человеческой мыслью, огромной ценностью, придаваемой разуму, эпистемологии и преобладание знания в восточной философской мысли. Такие понятия, как “откровение”, “вдохновение”, “состояние”, “ваджд”, “завқ”, “сердце”, “внимание”, “память”, “хуррият”, “балогат”, “тамкин” являются средствами полного понимания божественной сущности, философского интерпретация внутренне-духовных методов мистического познания и изучения процесса мистического познания и научно-философских исследований как эффективного решения глобальных проблем, стоящих перед человечеством.

Annotation. The article reveals specific methods of cognition of epistemological knowledge, which are an integral part of Sufi teachings. Man, a reduced copy of being, is an expression of the unity of eternity and transience, existence and nonexistence, spirituality and materiality, and is explained in the Koran by human thought, the enormous value attached to reason, epistemology, and the predominance of knowledge in Eastern philosophical thought. Such as “revelation”, “inspiration”, “state”, “wajd”, “zavk”, “heart”, “attention”, “memory”, “hurriyat”, “balogat”, “tamkin” which are the means of complete understanding of the divine essence, philosophical interpretation of the inner-spiritual methods of mystical knowledge and the study of the process of mystical knowledge and scientific and philosophical research as an effective solution to global problems facing humanity.

Калит сўзлар: ирфон, ориф, илм, маърифат, ҳикмат, ирфоний билимлар, ҳол, кўнгил, диққат, зикр, хуррият, балогат, тамкин, глобал муаммолар.

Ключевые слова: ирфан, ариф, знание, просветление, мудрость, эпистемологические знания, ҳол, душа, внимание, зикр, хуррият, балогат, тамкин, глобальные проблемы.

Key words: irfan, arif, ilm, enlightenment, wisdom, epistemological knowledge, hol, mind, attention, dhikr, hurriyat, balogat, tamkin, global problems.

Кириш (Introduction). Ирфоний билишнинг моҳиятига тарихийлик, мантикийлик ва тизимлилик тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашиб орқали унинг гносеологиядаги ўрнини конституциялаш (белгилаш) муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай воқеа-ходисанинг интровертив (ўзига хос) хусусиятини детерминик аниқлашда унинг тушунча сифатидаги ўрни ва мазмунининг объектив этимологияси, диалектикаси ва унинг объектив ёки субъектив хусусиятини белгилаш, тадқиқот жараёнида йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш билан бирга, ўрганилаётган воқеа-ходисанинг аҳамиятини ҳар томонлама тадқиқ этиши заруратини келтириб чиқаради. Бу жараён эришилган мақсаддага кўра, уч тарихий босқич: тасаввуф илми генезисигача бўлган, тасаввуфдаги, тасаввуфдан кейинги босқичга бўлинади. Тасаввуф илми генезиси (шакллангунга қадарли)гача бўлган босқич маънавий-ахлоқий такомиллашув, моддий қадриятлардан узилишни назарда тутадики, натижада онг тафаккур стреотип (мияда қаттиқ ўрнашиб қолган тор фикрлар)лар ва хилма хил тасаввурлардан халос бўлиб, онгизликтининг чуқур қатламларига шўнғиш, ўзга оламлар билан муносабатга киришга тайёрланади. Тасаввуфдаги босқич инсоннинг Яратувчи жамолини жаннатда кўриш умиди унинг “мен”ининг “йўқ бўлиши”, парчаланиб кетиши, “ўлиши” ва Аллоҳ “мен”лигидаги яшаш

ши билан белгиланади. Тасаввуфдан кейинги босқичда дифференциация (ажралиш) содир бўлади ва онг ўз холатига кайтади. Ирфоний билиш усуллари моҳияти тўлалагича англаш имконини беради, бунда ақлий далил ва мантиқий таҳлилга ўрин қолмайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). X–XIII асрларда яшаган мутасаввифларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари кўлёзма асарларда баён этилган. Мутафаккирларнинг ижоди, таълимотларининг айрим жиҳатлари соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари, наийлик ва валийлик парадигмаси масалаларини ёритишда шарқшунос олимларнинг фундаментал тадқиқотлари, жумладан, Э.Бертельс, А.Кныш, Ж.С.Тримингэмнинг монографиялари муҳим методологик асос бўлди. Хорижий мутахассис олимлар томонидан тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари, ирфоний билимлар ривожининг генезиси тариқат, ҳол, мақомот ҳақида М.Степанянц, У.Турар, А. Зарринкўб каби олимлар томонидан олиб борилган монографик тадқиқотлар маълум даражада мавзу доирасидаги ирфоний билиш гносеологияси тадқиқига доир муаммоларни очиб беришда муҳимдир. А.Кныш, М.Мухаммедходжаев, Е.Фролова тадқиқотларида тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний таҳлили, жумладан, тасаввуф онтологияси, гносеологияси, комил инсон ғоялари турли аспектда таҳлил этилган. Н.Комиловнинг тасаввуф ва тариқатларнинг тадрижий ривожи, тасаввуф истилоҳларининг ирфоний моҳиятини тадқиқ этиш борасидаги асарлари диссертациянинг илмий-назарий жиҳатдан асосланиши учун муайян даражада хизмат қилди. Мавзу доирасидаги тасаввуф истилоҳлари генезисига доир муаммоларни тадқиқ этишда А.Ш.Жўзжонийнинг тасаввуфга доир асарлари методологик аҳамиятга эга бўлди.¹

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотнинг услубий асосини илмий билишнинг объективлик (холислик), тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, системалик, герменевтика, интерпретация, қиёсий таҳлил усуллари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ирфоний таълимот тарафдорлари билишнинг турли шаклларини тан олган ҳолда, моҳиятлар моҳияти (Аллоҳ)ни билиш даражаси тўғрисида сўз юритилса, билиш шаклларининг аҳамиятини чеклайдилар. Аллоҳни билишга факат Ўзининг карами ва Ўзининг лутфи, Ўзининг нури ёрдамида муваффақ бўлинади. Зуннун Мисрийдан Аллоҳни қандай топганини сўрашганида: “Аллоҳни Аллоҳдан топдим. Зоро, Яратувчini фақат Яратувчи орқали топиш мумкин”, деб жавоб берган.²

Илк тасаввуф мактаблари намояндлари ирфоний сұхбатларда “ишора илми”, “муомалот илми”, “фиқр илми”, “ғайб илми”, “кашф қилувчи илмлар”, “ҳол илми”, “хотира илми”, “нағс оғатлари илми” каби кўплаб ирфоний билиш усулларни истифода этишган. Ирфоний билишда билиш усуллари “ваҳий” ва “илҳом” бўлиб, бу ерда сезгилар ва ақл ирфоний билиш воситаси бўла олмайди.

Ирфоний билиш кўнгил (қалб) билан амал қилиш бўлиб, “яқин” (ишонч, бирор нарсага қатъий ишониш, аниқ, шубҳа-гумондан ҳоли) илмини ўз ичига оладиган мушоҳададир. Ҳаким Термизий “яқин”ни қалбнинг Аллоҳ ва Унинг амрлари билан карор топишидир”. дейди.³

“Яқин”нинг “исм ул-яқин”, “расм ул-яқин”, “ilm ul-yaqin”, “айн ул-яқин”, “ҳаққ ул-яқин”, “ҳақиқати ҳаққ ул-яқин”, “Аллоҳи ҳаққ ул-яқин” каби даражалари мавжуд бўлиб, Аллоҳнинг Расули мана шу охирги мақомга етгач, ҳақиқатга кириб, унинг борини кўриб, сир (кўнгил) меъроҗини қилган. “Аллоҳ бир кеча, ўз бандасини унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги

¹ Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. М., “Наука”, 1965; Кныш А. Мусулманский мистицизм. М., “Наука”, 1992; Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в Исламе. Пер. с английского А.Ставиской. Под ред. и с пред. О.Ф.Акимушкина. М., “Наука”, 1989; Степанянц М. Философские аспекты суфизма. М., “Наука”, 1987; Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан. Сўз боши муал. ва масъул мух. С.Рафиъддин. Т., “Истиқлол”, 1999; Зарринкўб А. Арзиши мероси суфия. Техрон, 1344/1967; Мухаммедходжаев М. Гносеология суфизма. Душанбе, “Дониш”, 1990; Фролова Е. Проблемы веры и знания в арабской философии. М., 1983; Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т., “Ёзувчи”, 1996; Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. Т., 2003.

² Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби). Мирзо Кенжабек таржимаси. Т., ЎзМЭ, 1997, 81-бет.

³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳабbat мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик, 17-жилд. Нашрга тайёрловчилар: С.Фаниева, М.Мирзаахмадова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мух. С.Рафиддинов. Т., “Фан”, 2001, 84-бет.

Масжид ул-Ақсога сайр қилдирған (барча айбу нұқсондан) пок зотдир” ояты тасдиқланды.¹ Аллохнинг Расули мөърежда “Рабб ул-иззат”га боргунча эллик мартабадан ўтди ва мақсадига эришди. Ҳақ таолодан барча иззат-икромларни кўрди, лутф ва шавқ яқинлиги билан Ҳаққа икки ёй масофа-сида яқинлашди, яъни “кўнгил ва кўнгил эгаси учун ҳеч қандай “парда” қолмади”.² Бу ҳақда Аллоҳнинг Расули “қалб кўзим билан Ҳақ жамолини мушоҳада қилдим”, дедилар.³ Мөърож вактини тасаввуфдаги қисман метафориклаштирилган “лаҳза” категорияси билан ҳам қиёслаб бўлмайди. “Лаҳза” моҳиятига кўра, ягона объект (Аллоҳ)га йўналган бўлса ҳам, Мөърож вактидаги универсал қамров, реалик, Ваҳдоният, якка-ягоналик олдида субъектив ҳодисадир. Мөърож вакти бемисл бўлиб, на замин, на коинот ўлчовига сифади. Мөърож ўзининг юксаклиги, ғайриоддийлиги, ягоналиги билан “уч олам” замонидан ҳам ташкарида бўган хос замондир.

Ирфоний билишнинг биринчи босқичи таҳсилий илмидир. Пайғамбарларнинг шаръий ва диний ҳукмлари, охират ва Аллоҳнинг сифатларига таалуқли хабарларига айнан ишониш “илм ул-яқин” мартабасидир. “Яқин”нинг иккинчи босқичи тажрибавий билимга ишорадир. Кўнгил поклиги ва валий ҳамда ғайб олами орасидаги пардаларнинг кўтарилиши оқибатида ҳосил бўлган илм “айн ул-яқин”дир, яъни бир нарса ҳакида далилга эҳтиёж сезмай, кашф ва шуҳуд билан айнан кўрмоқ, шу сабабли бошқалар берадиган хабарга эҳтиёжнинг йўқлигидир. “Яқин”нинг учинчи босқичи ҳақиқатни англаш илмидир. Энг юксак ҳақиқат инсон ўз вужуди, ботиний мулоҳазаси, кечинмалари орқали етишган билимлар, яъни “ҳаққ ул-яқин”дир. “Ҳаққ ул-яқин”да ориф Ҳақ сифатларида фоний бўлиб, илм, шуҳуд ва ҳол жиҳатларидан Ҳақ билан боқий бўлади. Бу даража “азал тоғидан чиққан бир нурки, унинг асари тавҳид аҳлининг баданлари устида кўринади”.⁴ Ориф “ҳаққ ул-яқин”да фоний бўлади, яъни “яқин” сифатини Ҳақ илмида фоний қилиб, Ҳақ илми, Мутлақ вужуд нурига эришади.

Билимларнинг барчаси, беистисно, Худони билиш илмидирки,⁵ирфоний билишда “ҳол” (қисқа муддатли қайфият, қалбнинг порлаши, илоҳий раҳмат ва бараканинг ёғилиши) тасарруф этилади. Ҳол ориф маънавий-руҳий тараққиётининг натижаси, зикр ва риёзатдан ҳосил бўлган қалб сафосидир. Доимийлик “ҳол”нинг юксак даражасидир.⁶ Ҳол илми таҳсил билан кўлга кири-тиладиган қайфият эмас, ҳол ғайбдан келган лутф-иноят, илоҳий неъматдир.

“Ҳол” руҳ ва юракнинг кувватини ифодалагани сабабли тасаввуфга “илми ҳол” номи берилган. Руҳи латиф, ахлоқи гўзал, кўнгли зариф, маънавий етук кишилар “ҳол сохиби” дейилган. Айни пайтда, улар талвин (маҳкум, “ҳол боласи”) ва таквин (ҳоким, “ҳол оталари”) сохиблари бўлишган. Важд ҳолида орифнинг руҳонияти юксалиб, бутун вужуди порлаб, нурафшон бўлган: Шайх Нажмиддин Куброни валийтарош дебдурлар, онинг учунки, важду ҳол ғалаботида муборак назарлари ҳар кимга тушса, валоят мартабасига етар эмиш”.⁷

Абдулкарим Қушайрийга дейди: “Ҳол” кул (Ҳақ ошиғи) нинг қасди: жалб айлаш ташаббуси, эришиш истагисиз қалбда пайдо этиладиган нашъа-хузун, шодлик-қайғу, ҳайбат-ҳаяжон зухурийдир.⁸

¹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. Масъул муҳаррир З.Хусниддинов. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т., Тошкент Ислом университети нашриёти, 2004, Исеро сураси, 1-оят, 282-бет, Тоҳа сураси, 12-оят.

² Ҳожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар. Нашрга тайёрловчи Н.Ҳасан. Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи И.Ҳакқул. Т., “Мовароуннаҳр”, 2004, 168-бет.

³ Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомъи ас-Саҳих. Ишонарли тўплам Ҳадис 2. Профессор Н.Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1993, 571-бет.

⁴ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан. Сўз боши муал. ва масъул мух. С.Рафииддин. Т., “Истиқлол”, 1999, 144-бет.

⁵ Шри Ауробиндо Гхош. Синтез йоги. М., “Никос”, 1993, 476-бет.

⁶ Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳангэ эстэлоҳотэ ва таъбиротэ эрфони. Техрон, “Тахурий”, 1370, 79-бет.

⁷ Алишер Навоий. Насойим ул-мухабbat мин шамойим ул-футувват. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик, 17-жилд. Нашрга тайёрловчилар: С.Фаниева, М.Мирзаҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мух. С.Рафииддинов. Т., “Фан”, 2001, 287-бет.

⁸ Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. Istanbul, “Marifat yayinlari”, 1991, 117-бет.

Е.Бертельс (ваф. 1957) “хол”нинг инсон руҳиятида илоҳий жазба-завқ орқали рўй беришини “хол” макомларга қарама-қарши холда ўйловчининг ўз кучи, интилиши, иродаси билан амалга ошмайди, “хол” илоҳий жазбадир”, деб изоҳлаган.¹

Важд хеч бир воситасиз хосил бўладиган билим дейиш ўринлики, унда нозиклашган ақл билан бирга, руҳий ёришиш, мия қатламларининг ҳали очилмаган қирраларини фаол ҳаракатга келиши, тасаввурний-тамсилий, ифодавий билимлар, ғоя-англамларнинг гавдаланиб, намоён бўлиш акс этади. Важд ҳакида Али ибн Усмон Ҳужвирийнинг шарҳи қуидагича: “Важднинг моҳиятини изоҳламоқ имконсизdir. Зеро, важд ҳакиқий кўриш (кашф)даги аламдирки, аламни қалам билан тасвирилашнинг имкони йўқ”².

Ориф “важд” (қалбнинг ҳайрат вактида тўлкинланиши) ҳолатида ўз оламига кириб, унда тасаввур ва образ (оқилона идрок) орқали ботиний билимга эга бўлади ҳамда бу образни ботиний нигоҳ билан кўра олади. Зеро, қалб билан англанадиган билимлар қалби пок кишиларга ошкор бўлади.³

Завқ ориф қалбига Аллоҳнинг инояти туфайли ато этилган маърифат нуридир. Завқ холатида айтилган сўз ва ибораларда илоҳий ҳикмат мужассам бўлган.⁴

Ирфоний билишда дикқат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ирфон ахли томонидан қуидаги концепция илгари сурилган: намоз танани, қундалик вирдлар фикрни бошқариш учун, зикр қалбни, фикр (тафаккур) онгни тозалаш учун, касб руҳият соҳасига, машғуллик фориғлик соҳасига кириш учун, амал фано даражасига етиш учундир. Бу концепцияни амалиётда мунтазам қўллаш орқали камолотга эришилади.

Тариқат йўлига қадам қўйган муридни ҳар қандай нарсага бутунлай ҳиссиз, деб бўлмайди. Чунки у “ҳакиқий олтин”га муносабат билдиришнинг ички қобилиятини барibir сақлади. Ана шу тугма қобилиятни ҳис этувчи устоз унинг сиғналларини идрок этиши учун ундан аппарат сифатида фойдаланиши мумкин. Тўғри, дастлабки пайтларда устоз ўз сиғналларини идрок этувчи (мурид)нинг бузилган ва камсамарали аппарати бу сиғналларни илгай оладиган даражада система-малаштириши керак. Икки элемент (устоз ва шогирд)нинг комбинациялашуви ишнинг тартибли ва самарали бўлиши учун асос яратади. Ирфон илмининг амалий усули ҳакиқат талабидаги муриднинг қирқ кун давомида ибодат билан узлатда ўтириши “эътикоф” бўлиб, ўн шартда тизимли ифодаланган.⁵

Ирфоний билишнинг яна бир усули зикрдир. Зикрда уч мақом бўлиб, биринчиси, қалб билан адо этиладиган зикрдир. Бу зикрда зикр қилинаётган ашё ёдан чиқарилмаган бўлса ҳам, зикр қилинади. Иккинчиси, зикр этилаётган ашёнинг сифатларини зикр килишдир. Учинчиси, зикр этилаётган ашёни кўриш. Зокир Унинг сифатларини зикр этиш чоғида ўзининг сифатларини унугади ва Унинг зикрида фоний бўлади.⁶

Ирфоний билиш усусларидан кейингиси ҳуррият ва балоғатдир. Ҳар бир нарсанинг ниҳояти балоғатдир, ғояти ҳурриятдир. Мева дараҳтда етилиб, ўз ниҳоясига етса, “болиг” бўлди (пишид, етилди) дейилса, пишган мева шоҳидан узилиб, ерга тушса, “хур” (узилган, эркин) дейилади.

Ниҳоятнинг аломати ўзининг бошланиш нуқтасига етишидир. Ўзининг бошланиш нуқтасига етган ашё ўз ниҳоятига етган бўлади. Эрта баҳорда буғдой уруғи ерга сочилса, униб-ўсиб, бўй чўзади. Бошоги пишиб, етилади. Ворислик қонунига кўра, ҳар бир нарсанинг меваси унинг уруғидир. Ўзининг уруғини ҳосил қилганида, ўз бошланишининг ниҳоясига етган бўлади. Шу ерда доира тугайди ва етуклик вужудга келади. Доира ўзининг илк нуқтасига етиб бормагунича етуклик вужудга келмайди; ўзининг бошланғич нуқтасига боргандан кейин тугал бўлади. Ақл оламида идрок ақл сурати бўлса, жисм руҳнинг қолипи, мулк олами малакут оламининг кўринишидир. Малакут оламининг уруғи ақл бўлиб, ақлдан келиб, яна ақлга қайтади, улар Аллоҳдан келиб, яна Аллоҳга қайтадилар.

¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М., “Наука”, 1965, 247-бет.

² Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арабб аль-кулуб). Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. М., “Единство”, 2004, 417-бет.

³ Шейх Ҳаким Муиниддин Чишти. Суфийское целительство. Москва-Санкт-Петербург, “Диля”, 2001, 178 с.

⁴ Акимушкин О.Ф. Зикр. Ислам. Энциклопедический словарь. М., “Наука”, 1991, 132-бет.

⁵ Ислом. Энциклопедия. Зухриддин Хусниддинов таҳрири остида. Т., ЎзМЭ, 2004, 263-бет.

⁶ Шайх ал-Калободий. Тасаввув сарчашмаси. Арабчадан Отакул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отакул қизи таржимаси. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002, 88-бет.

Ирфоний билиш усулининг яна бири тамкин (қалб хотиржамлиги) бўлиб, “аҳли дил”нинг энг юкори, Ҳаққа етишиб, ором олинадиган сўнгти манзилидир: Мусо пайғамбар “тамкин” манзилига етганида “Ҳазрати Ҳақ унга чоригингни улоктири ва асо (таёқ)ингни ташла деб амр қилди. Ошиқликнинг аввали талаб (толиблиқ) бўлса, охири тамкиндири.

Ориф тамкин мақомига етишганида талвин (толибининг йўлида ва турли манзилларида турли ҳолларни кўнгилдан ўтказиши) йўқолади. Тамкинга эришган ориф Ҳаққа етишгани сабабли мутамаккин (қалб хотиржамлигига эришган) бўлиб, ҳеч қандай ҳоллардаги ўзгаришларга учрамайди.

Қалб хотиржамлиги замирида яқинларига муҳаббат кўрсатиш, ваъдага вафо қилиш, эзгу ғоясига содиклик ҳамда аниқ стратегик режа мужассам.

Бугунги кунда ирфоний билиш жараёнини ўрганиш ва илмий-фалсафий тадқиқ этиш инсоният олдида турган глобал муаммоларга самарали ечим бўла оладики, ирфон илми ҳаётбахш ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий мавқенини тиклаш, орифларнинг ибратли ҳаёт тарзи, ҳикматлари, ўзларидан қолдирган маънавий меросини тарғиб қилиш орқали бугунги кунда жамият учун сув ва ҳаво каби зарур бўлган меҳр-оқибат, саховат, ростгўйлик, адолат, камтарлик каби ахлоқий меъёрларни жамиятни тузатиш, ҳар тарафдан бостириб келаётган ижтимоий заарли хавфнинг олдини олиш, глобал жараёнларга маърифат билан ёндашиш, бунинг ортидан башариятни, шу орқали дунёни ворисийлик мезони асосида такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Хулоса (Conclusion). Юқоридаги фикрлардан қўйидаги хулоса келиб чиқди:

♦Ирфон аҳли ирфоний билиш усусларини “мақом” ва “хол” тизимида шакллантириб, онгнинг фазовий ўзгариши (таомилга мувофиқ бўлган уч ўлчамли оламдан бир неча ўлчамли оламларга маълумот узатиш ва маълумот қабул қилиш)га эришган;

♦ҳозирги даврда жамият онги ва ижтимоий воқелик тажрибасида ирфоний билимларнинг аль-туристик моҳиятини англаш муҳим бўлиб, инсоннинг ўз-ўзи билан муроса қилишга, ўз-ўзини ин-кор қилишдан тўхтаганидан сўнг табиатга, миллатга, жамиятга, борлиқка, оламлар Яратувчиси Аллоҳга, тақдирга нисбатан фаталистик (пешонага битилган) муроса кучи шаклланган;

♦ўзига нисбатан хурмати ошгани учун бошқаларнинг хурматига сазовор бўлади, ўзининг хатоларини кечиргани учун бошқалар ҳам уни кечиради. Шу тарика, инсон яна бир бор нима учун миллионлаб ҳужайралар ичida айнан ўзи танлангани, нима учун танлангани, Аллоҳнинг уни танлашининг ҳикматиниenglaidi, борлиқдаги барча яратиқларга меҳр кўзи билан қарашни бошлайди, Аллоҳнинг буюклиги ва умрнинг қисқалигиниenglaidi, қалби Аллоҳ зикри билан тўлади ва хотиржамлиkkа эришган;

♦инсоннинг нигохини билимсизлик пардаси тўсиб тураг экан, у ўзини абадий борлиқдан бутунлай алоҳида, ўзига хос индивидуал олам деб ҳисоблайди. Қалб кўзи очилганда эса ботиний (ички) ва зохирий (ташки) тафовутлар йўқолиб, инсон ўзининг абадий (Аллоҳ) борлиқдаги бир зарра эканини тушуниб етган;

♦ирфоний билиш инсоннинг руҳий-маънавий юксалиши учун ички (имманент) харакатлантирувчи куч вазифасини бажарган.

Тақлифлар (Recommendations).

Ирфон илми мустақил тарихий-фалсафий феномен сифатида муаммолар доирасини тақдим этиш ва таҳлил қилишда ўзининг билиш усусларини истифода этган. Ирфоний билиш усуслари муаммони ҳал этиш чегараси ва тўғрилигига асосланиб, ўзига хос мезон билан тавсифланадики, ирфоний билиш ва тафаккур методологиясини ирфон илми амалиёти ва тажрибасидан олинган ирфон аҳлига хос усул ва услугуб ёрдамида тушуниш ва қалдан англашни тақозо этади.

**Абдуллаева Ирова Ганижановна (Урганч Давлат университети, фалсафа доктори (Phd),
ИННОВАЦИЯ ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ЭВРИСТИК АСОСЛАРИ**

Аннотация. Уишиб мақолада инновацион тафаккурнинг субъект ва обьектига, интелектуал ўйналишига, амалий фаолият турлари билан боғлиқлигига, ижтимоий онг, илмий-техник қашфиёт ва ноанъанавий белгиларига қараб классификация қилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирилади. Шу билан мақолада инновацион тафаккурнинг ички, руҳий, сенситив воқелик экани, ундаги рационал ва иррационал, обьектив ва субъектив жиҳатлар эмас, балки унинг, экзистенциал маънодаги иқтисодий воқелик билан боғлиқ масалалар таҳлил этилади.

Аннотация. В данной статье высказывается мысль о том, что инновацию можно классифицировать в зависимости от субъекта и объекта, интеллектуального направления, её связи с

MUNDARIJA

24-ОКТАБР – О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI KUNI

Бердикулов Сирожон Насипкулович.	Ўзбекистон сиёсий партияларининг Президент сайловида иширик этишининг ўзига хос хусусиятлари.....	3
----------------------------------	---	---

HUQUQSHUNOSLIK

Олламов Яраш.	Мурожаатлар – хуқуқий категория сифатида.....	8
---------------	---	---

FIZIKA-MATEMATIKA

Ismoilov Muxiddin Bahrom o‘g‘li.	m – qavariq funksiyalar va ularning asosiy xossalari.....	13
Мадрахимов Рузимбай Машарипович, Бекметова Садокат.	Қиймати аниқ марицанинг тескариси билан қийматлари ўзгарган матрицанинг тескариси орасидаги фарқни баҳолашда юзага келадиган хатоликларнинг муаммоларини ечиш.....	16
Ходжабеков Мураджон Усарович.	Тебранишлардан ҳимояланувчи стерженнинг частота тенгламаси таҳлили.....	19
Atamuradova Dilshoda Ravshanovna, Madreymova Ayzada NurIslamovna.	Topologik fazo bazasi.....	22
Gadayev Sohib Abdullayevich, Iskandarov Sarvar Baltabayevich.	α – subgarmonik funksiyalarning ikki marta differentiallanuvchiligi.....	24
Болтаев Зафар Ихтиёрович.	Колебания структурно-неоднородного коаксиального многослойного цилиндра.....	28

FALSAFA

Исақова Замирахон Рухитдиновна.	Ирфоний билишнинг ўзига хос усувлари: фалсафий талқин.....	36
Абдуллаева Ирода Ғанижановна.	Инновация феномени ва унинг эвристик асослари.....	40
Жаббарова Ҳабиба Кувандикновна.	Гендер тенглиги муаммосининг методологик жиҳатлари.....	44
Турсунова Шахноза.	Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги.....	48
Ходжаев Сардор Бахадирович.	Эволюция научных интерпретаций инноваций.....	52

TILSHUNOSLIK

Ermanov Davron Raxmataliyevich.	Tillarni almashtirib ishlatalishning nevrobiologik asoslari.....	55
Haydarov Anvar Askarovich, Saidova Zulfizar Xudoyberdiyevna.	Ruhiy jarayonlar va shaxsiyat xususiyatlari konseptual zonasи frazeologizmlarining struktur grammatik tahlili.....	60
Бегматова Раъно Фахриддиновна.	Тилшунослик илмida юмшатиш категорияси ва унда юкламаларнинг аҳамияти.....	62
Имамкулова Ситора.	Инглиз ва ўзбек тилларида интенсивлик категориясини ифодалашда фонетик воситаларнинг роли.....	65
Ахмедов Анвар Ботирович.	Сўз ўзлаштириш – тиллараро алоқалар ифодаси.....	67

ADABIYOTSHUNOSLIK

Сайдова Райхон.	Маломатийлик ва унинг шаклланиш тарихи.....	71
Жумакул Батиршина Колмирзаевна.	“Уста ва Маргарита” романнинг ўзига хос бадиий хусусиятлари.....	74
Kurbanova Saida, Jumanazarova Maftuna.	To‘ra Sulaymon lirikasining mavzu doirasи.....	77
Хамматов Максатмират Нурматович.	Махтумкули шеърларининг қорақалпоқча таржималарининг баъзи хусусиятлари.....	80
Турсунмуратов Шукурулла Мадреймович.	Перевод сказок а.с.пушкина на каракалпакский язык.....	82

JURNALISTIKA

Усмонова Нигора Абдулҳамидовна.	Публицист ижодида шахс тушунчаси.....	86
---------------------------------	---------------------------------------	----

PEDAGOGIKA

Ismoilov Temurbek Islomovich.	Олий таълим бошқарувида академик мустақиллик принципларини жорий этишининг ташкилий-педагогик хусусиятлари.....	91
Olimova Dilfuza Zokirovna.	Xorijiy tillar ta’limida talabalarda mustaqil o‘rganish ko‘nikmalarini shakllantirishning ahamiyati.....	93
Джалолов Фурқат Фаттохович.	Мактаб таълимида паст ўзлаштириш сабаблари ва тўлиқ ўзлаштириш турлари.....	96
Маманазаров Баҳром Жумонович.	Педагогик машғулотларда педагогик дастурий воситалардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари, муаммолари ва ечимлари.....	98

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Jo‘rabek Rahimov,**
Aybek Kalandarov
Ushbu songa mas’ul **Yarash Ollamov**

Terishga berildi: 20.09.2021
Bosishga ruxsat etildi: 30.09.2021.
Ofset qog‘ozzi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.
Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma №. 29
Hisob-nashriyot tabag‘i 25
Shartli bosma tabag‘i 23
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi
Tasdiqnomasi (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;
e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz
ilmsarchashmalari@mail.ru
Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>